



РЕЗЕРВ ВА ЗАХИРАДАГИ ОФИЦЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДА ОФИЦЕРЛИК КАСБИГА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аминжонов Қурбон Хабибуллаевич¹

Ўзбекистон Миллий университети Ҳарбий тайёргарлик ўқув
маркази тарбиявий ва мафкуравий ишлар цикли катта
ўқитувчиси, истеъфодаги полковник,

Уралов Хусан Бобоқулович²

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети
Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази Муҳандис-сапёр кўшинлари,
кимёвий химоя ва топогеодезик таъминоти цикли катта

ўқитувчиси, доцент, резервдаги подполковник.

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p3-97>

ARTICLE INFO

Received: 08th February 2023

Accepted: 16th February 2023

Online: 17th February 2023

KEY WORDS

“Эстетика”, “ахлоқийлик”,
“ахлоқ”, “маънавийлик”,
“ахлоқий қадриятлар”,
“эстетик қадриятлар”,
“эстетик одоб”, “ахлоқий
муносабат”. “эстетика”,
“ахлоқийлик”, “ахлоқ”,
“маънавийлик”, “ахлоқий
қадриятлар”, “эстетик
қадриятлар”, “эстетик
одоб”, “ахлоқий муносабат”,
генезис, резерв, захира,
индивидуал-психологик
сифатлар, касбий-психологик
танлаш.

ABSTRACT

Мазкур мақолада офицерлик касбига ахлоқий ва
эстетик муносабатларни шакллантириш
масалалари ҳақида сўз боради.

Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли,
миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги
қунимиз, Ватанамизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва
фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ. Буюк юнон олими
Аристотелнинг «Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади», деган сўзлари бор.
Қаранг, бу фикрлар милoddан аввал айтилган. Демак, инсоният онгли ҳаёт кечира
бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи, доимо долзарб аҳамият касб этиб
келмоқда.



Маълумки, офицерлик касбига ахлоқий ва эстетик муносабатларни шакллантириш масалалари кўплаб фанларни ўрганиш объекти бўлиб, “эстетика”, “ахлоқийлик”, “ахлоқ”, “маънавийлик”, “ахлоқий қадриятлар”, “эстетик қадриятлар”, “эстетик одоб”, “ахлоқий муносабат” каби илмий тоифалар тарих, фалсафа, социология, политология, психология, педагогика ва бошқа фанларнинг тадқиқот предмети ҳисобланади.

Педагогика тажрибасида ҳарбий хизматчиларнинг касбий фаолиятида ахлоқий-эстетик муносабатларни шакллантириш муаммолари муҳим аҳамиятга эга.

Одатда, Қуролли Кучларда ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ушбу масалалар тарбия ва тарбиявий ишларнинг назарияси ҳамда амалиёти таҳлиliga мувофиқ кўриб чиқилади.

Касбий фаолиятга нисбатан ахлоқий-эстетик муносабатларни шакллантириш масалалари ҳарбий педагогика ва касбий педагогика учун долзарб ҳисобланади.

Касбга ахлоқий-эстетик муносабатлар инсон учун аҳамиятли бўлган субъектлар томонидан ижобий баҳоланадиган ва тегишли касбда қўлланиладиган моддий ва маънавий воқеликда акс этади. Ушбу ахлоқий-эстетик қадриятларни таълим жараёнига жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Шахснинг касбий эҳтиёжларни тўғри танлаши ва шу ўринда ахлоқий ва эстетик қизиқишларни белгиловчи ва ахлоқий-эстетик одобда аён бўладиган индивидуал ривожланиш йўналиши ушбу масаланинг ечимига боғлиқ.

Маълумки, ҳар бир инсон ўзи танлаган касбга бўлган ўз индивидуал муносабатларига эга. У касбнинг ахлоқий ва эстетик жиҳатларини баҳолайди. Ушбу муносабатлар турли ижтимоий институтлар таъсири остида вужудга келади ва шаклланади. Улардан мактаб, атрофдаги ўртоқлар, оила, олий ўқув юрти, меҳнат жамоаси, маҳалла ва х.к.з.

Маълумки, педагогик амалиётда инсон фаолияти омиллари унинг эҳтиёжлари деб ҳисобланади. Эҳтиёжлар ўз **генезиси**да иккита асосий босқичдан ўтади.

Биринчи босқичда эҳтиёжлар яширин шаклда бўлиб, касбий фаолиятининг ахлоқий-эстетик моҳияти тўғрисидаги ўз субъектив билимларини, жамики атроф ҳақиқатлари масалалари бўйича шахсдаги мавжуд билимлар билан солиштирганда энг яхшиси бўлиб чиқади. Бу солиштиришлар танланган касбдаги ахлоқий ва эстетик эҳтиёжларга эришиш воситаларини танлашда асосий мезон ҳисобланади.

Иккинчи босқич, ўз мазмунининг амалий ва қўлланиладиган тавсифига эга. Ушбу ҳолатда офицер касбий фаолиятининг моҳияти, талаба шахсининг ўқитувчилар, ўқув юрти, факультет қўмондонлиги, цикллар бошлиқлари талабани ўраб турган жамоа маданий-таълими муҳити таъсирида шаклланидиган ахлоқий-эстетик эҳтиёжларини қониқтириш билан объективлаштирилади.

Бундан келиб чиқадики, талабаларнинг ахлоқий ва эстетик эҳтиёжларини қондириш ҳарбий таълим тизимида касбий тайёргарлик дастурларини улар томонидан ўзлаштириш жараёнида рўй беради ва ахлоқий-эстетик касбий хулқ-атворида ўз ифодасини топади, унинг асосида уларнинг танлаган офицерлик касбига бўлган ахлоқий-эстетик муносабатлари ётади.



Профессионал тарзда **резерв ва захирадаги** офицерларни тайёрлаш асосан ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази ва факультетларда амалга оширилади. Улар танланган офицерлик касбига талабаларнинг ижобий муносабатини шакллантиришга, ушбу муайян ҳолатда, уларнинг ўз ахлоқий-эстетик муносабатларида ахлоқий ва эстетик қадриятларни ўқув жараёнига мослаштирадиган маданий таълим муҳитини яратишга қаратилган. Шунинг учун офицерлик таркибининг касбий тайёргарлик сифатини ошириш мақсадида ўқув фанлари таркибида ахлоқий ва эстетик қадриятлар тажрибаси мавжудлиги ҳамда уларнинг ахлоқий-эстетик ривожланиши салоҳиятини ўзида мужассам этувчи олий таълим муассасаси маданий-таълим муҳитидаги ахлоқий эстетик хулқ-атвор анъаналари мониторингини доимо олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Талабаларнинг офицерлик касбига ахлоқий-эстетик муносабатларининг ўзига хослиги уларнинг ахлоқий-эстетик онгини шакллантиришга сезиларли таъсир этувчи моддий, ижтимоий ва маънавий омиллар билан белгиланади.

Бир вақтнинг ўзида ҳарбий тайёргарлик маркази, факультетлар талабаларининг офицерлик касбига ахлоқий-эстетик муносабати, педагогик вазият сифатида бир томондан - офицерлар касбий фаолияти фактларига талабаларнинг муносабати билан шартланса, иккинчи томондан ўрнатилган урф-одатлар ва анъаналарда талабанинг ҳарбий олий ўқув юртида ўқиш жараёнидаги маълум ўқув ва хизмат вақтида ҳаракатларини бошқаришга қаратилган, қатъий белгиланган тизим билан шартланади.

Офицерлик касбининг анъаналари ва қадриятларида ўзига хос анъанавий сифатлар ва жиҳатлар ажралиб туради, уларда жамиятнинг офицерлик касбига муносабати шаклланади. Анъанавий хусусиятлар ва сифатларга келсак, улар одатда муҳим тарихий даврлар, замонлар давомида мустаҳкамланиб, барча турдаги қўшинлар офицерларига хос ҳамда жамиятнинг офицерлик ҳамжамиятига муносабатини шаклланишини белгилаб беради.

Мақсадга йўналтирилган тарбиявий ишлар жараёнида талабалар онгида ҳиссиётли, иродавий, ақлий, эркин руҳий жараёнларни амалга ошириш ҳисобига тегишли руҳий таълим шаклланади ҳамда шахсий хусусиятлар, касбий муҳим сифатлар вужудга келади, ўзининг ахлоқий ва эстетик эҳтиёжларини тушуниб етишини тахмин қилувчи ўз йўналиши шаклланади, унда секин-аста эътиқодга айланадиган касбий қизиқишлар пайдо бўлади, кейинчалик шахс учун касбий идеаллар ва йўналишни яратади. Буларнинг барчаси касбга бўлган муносабатнинг шаклланишига асос бўлувчи шахсий фаоллик асоси ҳисобланади ва у муомалада, хулқ-атворда ташқаридан кўринади

Педагогик фаолият тажрибаси шундан далолат берадики, ривожланган ахлоқий-эстетик сифатларга эга бўлган резервдаги ва захирадаги офицерлар таркибини тайёрлаш масалаларини муваффақиятли ечиш, биринчи навбатда уларни **касбий-психологик танлаш** сифатига боғлиқ.

Ёшларни ҳарбий таълим муассасасига киришга қизиқтирувчи асосий омил оила ҳисобланади. Афсуски ўқишга кирувчиларнинг камчилиги офицерлик касбини ахлоқийлик, ҳарбий жасорат ва шараф, ватанпарварлик намунаси деб ҳисоблашади.



Бошқа сабаблар ҳам бор: талаб этилувчи касб, жисмоний мукамалликнинг ривожланиши, имтиёз ва бонусларга эга бўлиш, ҳарбий форманинг чиройлилиги, кейинги ҳаётда устуворликка эга бўлиш, моддий эҳтиёжларни қондириш.

Бунда ўқишга кираётганларнинг индивидуал-психологик сифатларини текшириш бўйича ўтказилган текширув натижалари уларнинг кўпчилигида эҳтиёжий қизиқишлар, эгоистик қарашлар устунлигини, сардорлик сифатининг етарли ривожланмаганини кўрсатади.

Шу билан бирга, талабаларда офицерлик касбига нисбатан ахлоқий-эстетик муносабатларнинг шаклланиши учун **ҳарбий ўқув марказларида, факультетларда яратиладиган таълим муҳити** муҳим роль ўйнайди.

Талаба ҳар қандай ҳолатда яшаш бахтига эга бўлган дунё ҳақида тайёр билимларни билиб ва ундан ҳам кўпроқ, танланган офицерлик касби хусусиятларини билиб туғилмайди. Буларнинг барчасини у турли хил фаолият жараёнида, оилада, мактабда, ҳарбий ўқув юртида эгаллайди.

Талабаларнинг офицерлик касбига ахлоқий-эстетик муносабатларининг шаклланиш жараёни ахлоқий-эстетик касбий билим ва тушунчаларга, қадриятларга ва ғояларга эга бўлишни, шаклланган ахлоқий норма ва эстетик сифатларни, ахлоқий-эстетик касбий хулқ-атворни ўз ичига олувчи талабалар ахлоқий-эстетик дунёқарашини ривожлантиришдан иборат, шахс ва жамиятнинг ахлоқий ва эстетик ривожланишини таъминлаш хусусиятини акс эттирувчи офицерлик анъаналарини етказиш; ахлоқий-эстетик сифатлар ривожланишини тахмин қилувчи хизмат фаолиятини бажаришни, ҳамда ахлоқий-эстетик хулқ-атворга таъсирни ўз ичига олади.

Асосий таълим дастурларини ўзлаштириш жараёнида олинган билим ва тушунчалар Қуролли Кучларда офицерлик касбига ахлоқий-эстетик муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади, шаклланган муносабат ахлоқий-эстетик ҳаракатларда ва офицернинг касбий хулқ-атворида кўринади.

Шахсни ўрганиш таҳлили шундан далолат берадики, инсон шахсияти бир қатор қадриятларни бирлаштиради, улар орасида: биоген, социоген, психоген. Шу муносабат билан талабаларнинг офицерлик касбига ахлоқий ва эстетик муносабати психоген даражада шаклланиб, қизиқишлар ва ҳис-туйғулар шаклида ижтимоий муносабат сифатида намоён бўлиши аниқланди. Ушбу сабаблар ва ҳис-туйғулар орқали талабаларда ахлоқий ва эстетик йўналишлар шаклланади, бу эса офицерлик касбига нисбатан ахлоқий-эстетик муносабатнинг у ёки бу турини белгилайди.

Талабаларнинг офицерлик касбига ахлоқий ва эстетик муносабатини шакллантириш, уларнинг офицерлик касбининг ахлоқий ва эстетик томонига нисбатан психологик мойиллигини аниқлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар шаклида ифодаланиши мумкин. Чунки бу мойилликлар амалда офицернинг ҳақиқий ахлоқий-эстетик хулқ-атворидан олдин бўлади, уларнинг ривожланиши талабанинг шахсий ва касбий ахлоқий-эстетик қадриятларни, танланган касб идеалларини идрок этиш орқали амалга оширилади.

Бундан келиб чиқиб шуни аниқлаш мумкинки, талабаларнинг офицер сифатида ахлоқий ва эстетик фаолиятига мақсадли қизиқишларини ривожлантириш қизиқиш



эҳтиёжларнинг пайдо бўлишини рағбатлантиради, бу эса ўз навбатида тушуниб етиш жараёнида талабалар онгида мустақамланади, доимий равишда барқарорлик белгиларига эга бўлади. Тажриба шуни кўрсатадики, бу барқарорлик белгиларига эга бўлган эҳтиёж талабаларнинг бўлажак офицер шахсининг ахлоқий ва эстетик хулқ-атворини белгилайдиган офицерлик касбига ахлоқий-эстетик муносабатини шакллантириш учун асос яратади.

Ахлоқий ва эстетик эҳтиёжлар, қизиқишлар, истаклар, идеаллар ва эътиқодлар умумлашиб бўлажак офицер шахсиятининг йўналишини ташкил этади, бунда офицерлик касбига ахлоқий ва эстетик муносабат унинг барқарорлигини таъминлаш учун асос ҳисобланади. Ўз навбатида талабаларда шаклланган офицерлик касбига ахлоқий ва эстетик муносабатнинг ўзи касбий қизиқиш бўлиб, у талабаларнинг шахсий ва касбий танлови натижасидаги ҳаракатлари, бутун хатти-ҳаракатларининг ахлоқий ва эстетик мазмунини белгилайди.

Талабаларнинг офицерлик касбига ахлоқий ва эстетик муносабатини шакллантириш **усуллари** қуйидаги гуруҳларни ўз ичига олади:

- *биринчидан*, бу меъёрий тавсифга эга бўлган усуллар: уларга мақсад ва вазифаларни белгилаш, қарорлар, буйруқлар, фармойишларни шакллантириш ва қабул қилиш киради;
- *иккинчидан*, ижро характерига эга бўлган усуллар: уларга раҳбар ва педагогик таркибни танлаш, жойлаштиришнинг умумлашган усуллари, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш чоралари, шунингдек маълум бир талабалар жамоасида тарбиявий ишнинг хусусиятлари тўғрисида йўриқномаларни ўтказиш киради;
- *учинчидан*, бу мақсадли муносабатларни аниқлаш усуллари бўлиб, улар ёрдамида атроф-муҳит ва қонунчилик маълумотларини ўрганиш, талабалар таълимининг оралиқ натижаларини текшириш, таҳлил қилиш асосида истиқболли ҳамда яқин мақсадларни белгилаш вазифалари ҳал қилинади, илғор педагогик фаолият тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- *тўртинчидан*, булар истиқбол йўналишининг усуллари бўлиб, улар экстраполяция, моделлаштириш ва режалаштириш усуллари тизимидан фойдаланишни назарда тутди;
- *бешинчидан*, булар муайян талаблар қўядиган услублардан, иш фаолиятини баҳолашни ташкил этувчи услублардан ва ўз-ўзини баҳолашга туртки бўлган усуллардан, мунозарали фикр алмашиш, турли маслаҳат ва таклифлар шакллантириш асосидаги усуллардан фойдаланадиган тузатиш усуллари гуруҳлари;
- *олтинчидан*, рағбатлантирувчи характердаги усуллар тизими, жумладан жамоатчилик фикрини ташкил этиш ва етказиш, танқид ва ўз-ўзини танқид қилиш, рағбатлантириш ва мажбурлаш усуллари ва бошқаларни ўз ичига олади;

Таклиф этилганлар билан бир қаторда талабаларнинг офицерлик касбига ахлоқий ва эстетик муносабатларини шакллантириш жараёнини ташкил этишда умумий педагогик усуллар тизимидан фойдаланиш мумкин, уларга ишонтириш, мажбурлаш, машқлар, мисоллар, шунингдек алоҳида дидактик усуллар киради. Улар орасида тушунтириш, муҳокама қилиш, кўрсатиш, мустақил иш услублари ва бошқалар.



Хулоса қилиб, офицерлик касбига муносабат (энг умумлаштирилган маънода) тасаввурда - бу профессионал хизмат вазифасини бажариш учун зарур бўлган маҳорат, билим ва кўникмаларни ўзлаштириш учун зарур ғоялар ва тажрибанинг касбий йўналтирилиши, ўз профессионал қарашлари нуқтаи назаридан идрок этиладиган, инсон томонидан касбий фаолият аниқ турининг алоҳида хусусиятларини ўзлаштирилиши асосида шаклланган шахснинг касбий йўналишидан иборат.

Ҳарбий таълим муассасаларида резерв ва захирадаги офицерларни тайёрлаш жараёнида талабаларда офицерлик касбига ахлоқий-эстетик муносабатларни шакллантиришда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчидан, талабаларнинг офицерлик касбига ахлоқий ва эстетик муносабатини шакллантириш мақсадида олий ўқув юртларида тарғибот ва ташвиқот ишларини юксак савияда ташкиллаштириш.

Иккинчидан, ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази ва факультетларга ўқишга кираётган талабаларнинг эҳтиёжий қизиқишларини, қарашлар устунлигини, сардорлик сифатининг мавжудлиги ва ривожланганлигини текшириш ҳамда уларнинг офицерлик касбининг ахлоқий ва эстетик жиҳатига нисбатан психологик мойиллигини аниқлаш мақсадида танловга ушбу масаларни аниқлаштиришга қаратилган психологик тест синовларини киритиш.

Учинчидан, ўқитилаётган гуманитар, касбий фанлардаги мавжуд ахлоқий-эстетик имкониятларни аниқлаш ва долзарблаштириш. Яъни машғулотларни қизиқарли, мазмунли ўтилишини таъминлаш. Талабаларда ҳарбий қисмларга ташрифлар, ҳарбий тўғараклар, ўйинлар ташкиллаштириш орқали касбга нисбатан ахлоқий-эстетик қизиқишлар ва кўникмаларни ривожлантириш.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси”. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 10.01.2018 й. 03/18/458/0537-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги 436-II-сон Қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 19.04.2018 й. 03/18/476/1087сон. 24.07.2018 й. 03/18/486/1559-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3898-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 08.08.2018 й. 07/18/3898/1622-сон.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.: «Ўзбекистон», 2017. 104 б.
5. Кундалик фаолиятда ахлоқий-руҳий тайёргарликни ташкиллаштириш бўйича қўлланма. ЎР МВ. Т.: Ҳарбий нашриёт.



6. “Ҳарбий тайёргарлик ўқув марказида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш: анъаналари, инновациялари, истиқболлари” Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тўплами. – Т.: ЎзМУ Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази, 2021. – 32 б.
7. Анорбоев А.А., Уралов Х.Б. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар тизимида ҳар томонлама етук кадрларни тарбиялашнинг замонавий усуллари. Мақола. “Ҳарбий тайёргарлик ўқув марказида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш: анъаналари, инновациялари, истиқболлари” Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тўплами. – Т.: ЎзМУ Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази, 2021. – 49 б.
8. Уралов Х.Б., Сапев Ж.К. Замонавий урушларда жангчиларнинг руҳий ҳолатига таъсир қилувчи омиллар. Мақола. American Journal of Science and Learning for Development 1 No 2 (2022) 2022-12-27.
9. Уралов Х.Б. “Офицерни педагогик маҳорати” мақола. Ҳарбий тайёргарлик ўқув маркази муҳандис-сапёр қўшинлари, кимёвий ҳимоя ва топогеодезик таъминоти цикли катта ўқитувчиси резервдаги подполковник. ТДТУ “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар” илмий журналининг 2022 йил 28 ноябрдаги 5-сони - 67 б.
10. Уралов Х.Б. Мустақил Ўзбекистон шароитида резерв ва захирадаги офицерлар тайёрлаш тизимининг долзарблиги. Доцент. Зирҳли қалқон илмий – ахборот журнали № 1 (10) 2022 март 428 бет.
11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири генераль-майор А.Азизовнинг Қуролли Кучлар Академиясида 2018 йил 10 август куни бўлиб ўтган офицерлар йиғилишидаги нутқи. <https://www.gazeta.uz/ru/2018/08/10/defence/>.